


ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

2/2023



2/2023

<https://buxdu.uz>



e-ISSN 2181-1466



ISSN 2181-6875

9 772181946004

9 7721819687004

@buxdu_uz

@buxdu1

@buxdu1

www.buxdu.uz

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal

2023, № 2

Jurnal 2003-yildan boshlab filologiya fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab fizika-matematika fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab siyosiy fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruruiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 6 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.

Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHIRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinnbosari: Rasulov To'lqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor (Andijon davlat Pedagogika instituti rektori)

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori (O'zR FA tarix instituti yetakchi ilmiy xodimi)

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Qurbanova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

MUNDARIJA * СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS**

ANIQ VA TABIIY FANLAR * EXACT AND NATURAL SCIENCES *** ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ**

| | | |
|---|---|----|
| Latipov H.M. | To'rtinchi tartibli operatorli matriksaga mos Fredgolm determinantining asosiy xossalari | 3 |
| Norqulov J.F., Kengboyev S.A., Azimov R.B. | Silindrik tishli uzatmalarda tishning qiyalik burchagi o'zgarganda ta'sir qiladigan kuchlarni aniqlash va ishlash samaradorligini takomillashtirish | 9 |
| Alimov H.N., Mirzayev B.R., Toshmatov D.Sh., Yo'ldoshev B.A. | Kasr tartibli diffuziya tenglamasidan manbani aniqlash masalasi | 13 |
| Faxodov S.U., Yusupov X.N., Doliyev Sh.Q., Toshtemirov R.T. | Po'lat ishlab chiqarish jarayonini nazorat qilishda optimallashtirish usulini qo'llash | 20 |
| Ibodullayev M.X., Norqulov J.F., Saidov B.Y. | Neft va gaz sanoati korxonalarida issiqlik almashinish apparatlarining zamonaviy samarador konstruksiyasining hisobi | 28 |
| Nuriddinov J.Z., Primov J.F. | Parabolik tipdagi integro-differensial tenglama uchun teskari masalalar | 36 |
| Sayliyeva G.R. | Uch o'lchamli qo'zg'alishga ega umumlashgan Fridrixs modelining xos qiymatlari haqida | 45 |
| To'rayev Sh.D., Norqulov U.E., Nazarov M.M. | Turbogeneratorning texnik holatini baholash metodologiyasi | 51 |
| Юлдашева Н.Б. | Темир боратнинг оптик, магнитооптик ва фотомагнит хоссалари | 57 |
| Shoimov B.S., Jamolov Sh.J. | Singulyar koefitsiyentga ega bo'lgan giperbolik tipdagi tenglama uchun Koshi masalasi | 66 |
| Jumayev J., Muhammadova M. | Ochiq oqim kengayishi kattaligidan turbulent qovushoqlik tenglamasi modelida foydalanish | 71 |
| Фаязов К.С., Худайберганов Я.К. | Условная корректность начально-краевой задачи для системы неоднородных уравнений параболического типа с двумя линиями вырождения | 76 |
| Jumayev J., Baqoyeva S.T. | Nostatsionar konveksiya masalasini oshkor usulda yechish | 86 |

TILSHUNOSLIK * LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ**

| | | |
|---|---|-----|
| Akramov I.I. | Researching the origins of aphorisms | 91 |
| G'aybullayeva N.I. | Tilga kognitiv yondashuvning shakllanish taraqqiyoti | 95 |
| Raxmatova M.M., Inoyatova D.I. | O'zbek badiiy adabiyotida xunuklik tushunchasining ifodalananishi | 100 |
| Кутлиева М.Ф. | Инглиз ва ўзбек тилларида кўшма сўзларда ургуннинг аҳамияти | 105 |
| Maxmudova S.X. | "Ostona" konsepti lingvomadaniy birliklarining badiiy matndagi o'rni | 110 |
| Rabiyeva M.G', Mustoqova S.U. | Evfemizmlarning ingliz va o'zbek tillarida lingvomadaniy shartlanishi | 115 |
| Navruzova N.X. | Connotation in verbs and its expressive functions | 119 |
| Nazarova N.A. | Bases of the theoretical study of anthroponyms and their | 126 |

| | | |
|---|---|-----|
| | characteristics | |
| Saidov Kh.Sh. | Economizing language resources on the example of the word formation of modern English slang | 132 |
| Sharipova D.Sh. | The linguistic relationship of symbols | 136 |
| Абдувахабова Д.Н. | Тилшуносликда эмотивлик, модаллик ва баҳолаш категорияларининг ўзаро боғликлиги | 143 |
| Джалилова З.Б. | Инглиз ва ўзбек тилларида гул номларининг лексик-семантик майдони ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари | 147 |
| Ибрагимова Н.А. | Аутентик мати тушунчаси, турлари ва таснифи | 154 |
| Қаршиев Н.Т. | Коракўлчилик терминларининг ясалиш усуллари | 159 |
| Zikrillayev G.N., Ro'ziyev Y.B., Safarov F.S. | Dialektik materializm va tilshunoslik metodologiyasi | 168 |
| Fayziyeva A.A. | Inson his-tuyg'ulariga oid konseptual modellar | 176 |

ADABIYOTSHUNOSLIK * LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ**

| | | |
|------------------------------|--|-----|
| Axmedova S.H. | Ingлиз va o'zbek ertaklarida epik ko'makchilar talqini va tasviri | 181 |
| Davronova Sh.G'. | Isajon Sultonning "Bibi Salima" hikoyasida milliylik ifodasi | 187 |
| Djumayeva N. | Ingлиз hamda o'zbek xalq ertaklaridagi sehrli buyumlar orqali milliy madaniyatning ifodalanishi | 192 |
| Karimova D.H., Ahmadova X.N. | Aka-uka Grimm ertaklari o'zbekcha tarjima variantlarining shakllanish omillari va paradigmatik belgilari | 198 |
| Khayrullayeva N.N. | The analysis of the setting in the eco-fiction novels "Time is a river", "Sweetgrass", "The summer of lost and found" by American writer Mary Alice Monroe | 203 |
| Nodirova F.X. | Sa'dulla Hakim she'riyatida adabiy g'oya va tahlil | 209 |
| Rakhmatova M., Rakhmonova J. | XXI Century American prose: analysis of "The hunger games" by Susanne Collins | 214 |
| Xamdamova S.B., Tilavova N. | Charlz Dikkensning "Nikolas Niklbining hayoti va sarguzashtlari" romanini kompozitsiyasi va tarbiya romanining janr xususiyatlari | 219 |
| Jo'rayeva M.J. | Hilda Dulitl she'riyatida imajism ifodasi | 225 |
| Одилова Г. | Болалар адабиётида глюттоник дискурс таржимасида услуб ва маъно адекватлиги | 229 |
| Mizrabova J.I. | Uillyam Shekspirning "Qirol Lir" nomli asari tarjimalarida kalamburning qayta vogelantirishdagi muammolari | 235 |
| Эльманова М.Т. | Проблема семейных ценностей в романах Джойс Кэрол Оатс "Мать, пропавшая без вести" и "Мы были Малвэнами" | 245 |

MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK * TEXTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY *** ТЕКСТОЛОГИЯ И ЛИТЕРАТУРНОЕ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ**

| | | |
|----------------|--|-----|
| Narziyeva D.I. | Mashrab devonlari nashrlaridagi tafovutlar | 249 |
|----------------|--|-----|

"NAVOIY GULSHANI"

| | | |
|--------------|--|-----|
| Amonova Z.Q. | Yuzungda zarvaraq har yonki lutfi benihoyatdur | 253 |
|--------------|--|-----|

PEDAGOGIKA * ПЕДАГОГИКА *** PEDAGOGICS**

| | | |
|----------------|--|-----|
| Burxonova M.X. | Tibbiy madaniyat tushunchasining shakllanish tarixi | 255 |
| Sariyev R.Sh. | Chizmachilik fanida ijodiy loyihalash faoliyatining pedagogik-psixologik xususiyatlari | 259 |
| Xodjayev R.I. | Bokschilarni tayyorlashning psiko-fiziologik xususiyatlari | 263 |

TARIX * ИСТОРИЯ *** HISTORY**

| | | |
|---------------|--|-----|
| Ражабова Д.Я. | Бухоро амирлигидаги сунний-шия ихтилофлари тарихидан | 267 |
|---------------|--|-----|

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА СЎЗЛАРДА УРГУНИНГ АҲАМИЯТИ

Кутлиева Мухайё Гуломовна,
Бухоро давлат университети
Факультетлараро хорижий тиллар
кафедраси ўқитувчиси
m.g.qutliyeva@buxdu.uz

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларидағи қўшима отлар ва уларда ургунинг қўлланилиши ёритилган. Қўшима отларнинг фонетик хусусиятлари уларни сўз биримасидан фарқлашида белги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инглиз тилида қўшима отлар асосан битта кучли ургу олади, баъзи ҳолатларда бир ургу сўзининг ички маъносини ажратиш учун ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида эса қўшима отлар бир асосий ургуга бўйсунади, логик ургу ҳам қўшима отларга бутунлигича тушибади, компонентларига эмас. Сўз биримасида эса таркибидаги ҳар бир сўз ургули бўлади. Шу жиҳати билан ҳам қўшима от сўз биримасидан фарқланаб туради. Инглиз ва ўзбек тилларида ургунинг қўлланилишидаги фарқлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлилга тортилган.

Калим сўзлар: қўшима сўз, фонетика, график, сўз биримаси, синтаксик, компонент, ургу.

Аннотация. В этой статье обсуждаются сложные слова в английском и узбекском языках и использование в них ударения. Фонетические особенности сложных существительных могут служить знаком отличия их от словосочетания. В английском языке составные существительные обычно имеют одно сильное ударение, а в некоторых случаях одно ударение используется для выделения внутреннего значения слова. В узбекском языке сложные существительные подвергаются одному основному ударению, а логическое ударение падает на сложные существительные в целом, а не на их составные части. Каждое слово во фразе имеет ударение. В этом отношении сложное существительное отличается от словосочетания. Анализируются различия в употреблении ударения и их особенности в английском и узбекском языках.

Ключевые слова: сложное слово, фонетика, графика, словосочетание, синтаксис, компонент, ударение.

Abstract. This article discusses compound nouns in English and Uzbek and the use of stress in them. The phonetic features of compound nouns can serve as a sign in distinguishing them from a word combination. In English, compound nouns usually have one strong stress, and in some cases, one stress is used to distinguish the inner meaning of the word. In the Uzbek language, compound nouns are subject to one main stress, and the logical stress falls on compound nouns as a whole, not on their components. Each word in a phrase is stressed. In this respect, a compound noun differs from a phrase. Differences in the use of stress in English and Uzbek, their specific features are analyzed.

Keywords: compound word, phonetics, graphics, word combination, syntactic, component, stress.

Кириш. Қўшима сўз билан сўз биримасини фарқлаш ғоят кийин ва мураккаб бўлишига қарамасдан тиљшуносликда бу муаммо юзасидан талай ишлар килинган. Улардан бири О.С.Ахманованинг «Сўз билан сўз биримасини фарқлаш ҳақида»ги докторлик диссертациясидир. Қўшима сўзларни сўз биримасидан фарқлашда семантик, грамматик (маъно ва шакл) белги билан бир каторда фонетик белгига ҳам асосланилади [5]. Қўшима сўзларнинг характерли хусусиятларидан бири шуки, улар бир асосий ургуга бўйсунади ва у охирги элементнинг сўнгги бўгинида бўлади. Сўз биримаси таркибидаги ҳар бир сўз ургули бўлади. Инглиз тилида биримасида ургунинг борлинганин яхлитликнинг аниқ кўрсатувчи хусусиятларидан деб ҳисоблаш мумкин: ‘bluebell’ (киёсланг: ‘blue ‘bell’), ‘blackboard’ (киёсланг: ‘black ‘board’).

Асосий қисм. Агар сўзда фонетик хусусият етарлича мавжуд бўлмаса, ундан ҳолатларда қўшима сўзини сўз биримасидан ажратувчи мухим омил унинг элементларини ташкил этувчи боғланишилик даражаси ҳисобланади. Агар биз қўшима сўзларнинг сўз бирималаридан ўсиб чиққанилигини инобатга

олсак, уларнинг ҳосил бўлиш колипларидағи грамматик тобеликни учратишимиз мумкин. Масалан: кўштирик-кўштирик.

Кўшма сўз юзага келиши учун эса биттадан ортиқ лексик бирлик ўз мустакиллигини йўқотиб, семантик, фонетик (ёзувда график), синтактик жиҳатдан яхлитланиб, бир сўзга тенглашуви керак. Аммо шундай яхлитланиш содир бўлганини амалда исботлаш кўпинча кийин бўлади.

Шубҳасиз (алоҳида шакланган) бирикма тўғрисида асосий ургу ва қисмларнинг эркин бириккан ва уларни чегараланмаган алмаштиришга олиб келувчи бирикишлар мавжудлигини гап юритиши мумкин: 'milk 'jug, 'water 'jug, 'glass 'jug, 'china 'jug; e'mergency 'exit, e'mergency 'ration, e'mergency 'landing,e'mergency 'store. 'Glass 'bottle, 'stone 'bottle, 'water 'bottle, 'milk 'bottle каби бирикмаларни кўриб чикар эканмиз, уларнинг қисмларини эркин алмаштириш мумкинлигини кўрамиз, лекин «bluebottle» «гўшт пашиаси» сўзининг таркибидаги қисмларини эркин алмаштириш мумкин эмас. Бу бирикма бир асосий, бириктирувчи ургуга эгадир: 'blue bottle сўзининг маъносин уни ташкил қилувчи қисмлар маъносидан иборат эмас, у идиоматикдир. Бу белги хусусиятларнинг барчаси 'blue bottle сўзини кўшма сўзлар сирасига киришига асос бўлади. Элементларнинг эркин алмашинуви бўлмаган холатларда иккита ургунинг борлиги ажратиб ёзишлик хусусияти бўла олмайди ('fountain 'pen). Агар биз steelpen, goldpen бирикмаларининг қисмларини эркин алмаштириш мумкин деб хисобласак, fountain 'pen га нисбатан бундай дейиш мумкин эмас. Худди шуни 'hay 'fever (қиёсланг: 'hay-making, 'haymarket) га нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Шунингдек, 'fountain'pen туридаги сўзларни кўшма сўзга таалукли дейишга асос бор. Бирок, бу масалада ҳали бартараф килинмаган бир қанча муаммолар мавжуд. 'Fountain' pen сўзини кўшма сўзлар сирасига киритиши мумкин, чунки унинг биринчи элементи 'fountain' оти қисман ўзгарган. Унда (узлуксизлик) маъно компоненти сакланган. Лекин ambulance саг бирикмасини кўшма сўз деб бўлмайди, чунки унинг қисмлари ўз лексик маъносини тўла саклаб колган.

Ўзбек тилида кўшма отлардаги фонетик ўзгаришларни кўйидаги холатларда кўришимиз мумкин: исқаптопар, билагузук, Сотволди, босволди (қовун тури). Кўп кўшма отларнинг яхлитлигини ургунинг битталиги белгилаб беради. Буни кўйидаги мисолда кўришимиз мумкин. Масалан: 'blackboard'black 'board 'blackbird 'black 'bird 'strong-box 'strong 'box Кўп кўшма отларнинг факат биринчи элементи ургу олади. Масалан: 'copy-book, 'football, 'holiday, 'raincoat, 'tea-cup, 'time-table, 'trolley-bus.

Баъзи типларда сўзлар бита кучли ургу олиши билан характерланади. Худди шу нарса кўшма отларни сўз бирикмасидан фарқлашда хизмат қилади. Инглиз тилида кучли ургу одатда биринчи компонентга тушади, иккинчи компонент эса кучсизроқ ургу олиши билан характерланади. Қиёсланг: 'door-knob «эшик дастаси», 'upkeep «ремонт» (таъмир). Баъзи кўшма отлар юкорида кўрсатилган қондани қабул қилмайди ва уларнинг иккинчи компонентлари ургусиз бўлади. Қиёсланг: gentleman «жентльмен» (назокатли одам), Frenchman «француз», milkman «сут сотувчи» каби кўшма отлардаги иккинчи ўзак «тап» бир хил бўлишига қарамасдан, gentleman ['jentlmn] , Frenchman['frentmн] сўзларида биринчи элемент кучли ургу олади. Milkman ['milk,mn] сўзида эса биринчи элемент кучли, иккинчиси эса кучсиз ургу олганлиги сабабли аввалги иккита сўздан фаркландади. Кўшма отнинг баъзи типлари, асосан компонентлари равиш ва предлогдан иборат бўлганларида ургу иккинчи компонентга тушади: without, ...сиз, upon,...га, устига. Шу сабабли агар сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар ҳар доим кучли ургу олиши билан характерланса, кучсизроқ ургу билан қўлланиладиган сўзларга биз кўшма отнинг компоненти сифатида қараймиз. Масалан: 'ice-cream ['ajs-,krjm] «музкаймок» кўшма от, лекин 'ice cream ['ajs 'krjm] – сўз бирикмаси. Бу икки сўз орасидаги денотатив маъноларда фарқ йўқ бўлишига қарамасдан булар ана шундай тарзда ифодаланади [4].

Лекин, сўз бирикмаси кўшма сўзининг биринчи қисми сифатида келса, у ҳамма асосий ургуларни саклаб колади: a wild animal house ['wajld-'eniml-'haws] сўзида ургуларнинг таксимланиши house сўзини кўшма сўз компоненти эканлигини билдиради: бу таркибаги колган қисмлар эса бошка белги, хусусиятлар асосида ҳосил қилинади. Сўз кўшишда ўзакларда хеч қандай ўзгариш содир бўлмайди, лекин кўшма сўзлар янги акцентуацион моделга эга бўлади. Масалан: key ва hole,hot ва house, blue ва bottle сўзларини мисол тариқасида олсак, буларнинг ҳар бири ўз ургусига эга, лекин қачонки бу сўзларнинг ўзаклари янги кўшма от ҳосил қилиш учун keyhole, hothouse, bluebottle шаклида бириктирилса, бу сўзлар биринчи компонентларида бошка бир акцентуацион модел, бириктирувчи ургуга эга бўладилар. Бу сўзларни алоҳида ҳолда қандай талаффуз қилиш жуда муҳим, чунки улар нутқ жараёнида акцентуацион моделнинг турли ўзгаришларига учраши мумкин. Бунинг

энг кенг таркалган сабабларидан бири эмфаза, яни сўз элементларидан бирини ажратиш хисобланади. Масалан: *under'writer* ва *under'taker*. Баъзи бир ҳолатларда акцентуацион моделнинг ўзгариши сўзнинг гапдаги ўрнига боғлиқ бўлади: ‘bow window’, ‘dormer window’ and ‘lattice window’.

Биринчи компонентдаги бириктирувчи ургу (‘- -’) модели аксарият кўшма отлар учун ҳосдир. Кўшма сифатлар эса иккита ургуга эга бўладилар (‘ - ’). Масалан: ‘gray-’green’, ‘easy-’going’. Бу ургу ҳар доим ҳам кўшма сўзни кўрсатавермайди, чунки у фраза ургуси ёки кўшма сўзнинг синтактик функциясига боғлик бўлиши ҳам мумкин. Масалан: *light-headed*, *hard-boiled* каби сифатлар атрибутив ҳолатда кўлланганда ягона ургуга эга бўлади, бошқа ҳолатларда эса иккала элементда ҳам ургулар тенг бўлади яни сўзнинг дистрибуциясига қараб ургу ҳам ўзгариши.

Кўшма отларда ургуни қўйиш унинг элементларининг бошқа сўзлар билан мос келиши ва уларга қарама-карши қўйилиши имкониятларига боғлиқ бўлади. Масалан: ‘dining- table – ‘writing table’, ‘inkpot – ‘teapot, classroom – ‘bathroom’ каби ҳолатларда биринчи элементлар қарама-карши қўйиляпти ва шунинг учун ургу айнан шу қисмларга тушяпти. *Mankind* сўзида эса иккни хил турдаги ургуни кузатиш мумкин. Агар бириктирувчи ургу биринчи бўғинга тушса, у ҳолда бу сўз эр кишилар, эркаклар маъносини англатади ва *womankind* сўзига антоним ҳисобланади. Агар ургу иккичи бўғинга *man'kind* тарзида тушса, у ҳолда инсоният, башарият маъносини англатади. ‘Dining-table’, ‘writing table’ каби иккичи компоненти аналогик йўл билан ҳосил қилинган кўшма отларда ургу биринчи компонентта тушади.

Бундай бирикмалар кетма-кет келганда бошқа шу каби ҳодисалардан бутунлай чегаралаш учун имплицит контраст (ички қарама-каршилик) юзага келади. Масалан: ‘passenger train’, ‘freight train’, ‘express train’. Лекин, бундай ҳолатларда ургу битта бўлишига қарамасдан улар сўз эмас, балки сўз бирикмаси ҳисобланади. Сўзнига алоҳида турларида ургу бир хил формага эга бўлган кўшма отнинг маъносини фарқлашда ёрдам беришига эътибор бериш лозим: ‘bookcase – a piece of furniture with shelves for books; ‘book’ case – a paper cover for books; man’ kind – the human race; ‘mankind – men, as distinguished from women’. Инглиз тилида кўшма отлар учта асосий акцентуацион модельга эга бўладилар: Биринчи компонентдаги кучли ёки бириктирувчи ургу: ‘honeymoon’, ‘doorway’. Иккита ургу: Биринчи компонентдаги кучли ургу ва ундан кучсизрок иккичи компонентдаги иккичи даражали ургу: ‘blood-, vessel’, ‘mad-doctor (psychiatrist)’, ‘washing-machine’.

Кўшма отларда бу иккита акцентуацион модел кенгроқ кўлланади ва кўп ҳолатларда улар кўшма отларни сўз бирикмасидан кескин фарқловчи кучга эга бўладилар. Айниқса, бу хусусият сўзларнинг жойлашиш тартиби ўхшаш бўлганда ва сўз бирикмаларининг дистрибутив моделида кўзга ташланади. Масалан: a ‘greenhouse – a glass house for cultivating delicate plants, a ‘green’ house – a house that is painted green; a ‘dancing girl – a dancer, a ‘dancing’ girl – a girl who is dancing; a ‘mad -, doctor – a psychiatrist, a ‘mad’ doctor- a doctor who is mad’.

Сўзларнинг жойлашиш тартиби кўшма от ва сўз бирикмаларини фарқлаш имконини бермайдиган n+p сўз ясалиш моделида кўшма отларнинг акцентуацион модели орқали сўз маънолари аниқроқ кўринади. Иккала компонентдаги тенг ургу: ‘arm-’chair’, ‘grass-’green’ Лекин, акцентуацион модель, хусусан, иккита тенг ургули модель ҳар доим ҳам кўшма сўзларни сўз бирикмасидан фарқлашда етарли асос бўла олмайди. Сўз бирикмаларида тенг ургулардан фарқли ўларок кўшма сўзларда бириктирувчи ургу мавжуд бўлади. Бириктирувчи ургу ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди. И.П.Иванованинг ёзишича « ...Кўшма сўзларда бир ургунинг мавжудлиги билан бир қаторда шундай қурилмалар ҳам кўпки, уларга ургу ёки ургуларнинг қўйилиши бўйича саволлар ва тушунмовчилклар келиб чиқиши табиий ҳолдири» [2]. Бириктирувчи ургу битта ёки иккичи даражали ургу билан мос келади. У шунчалик кучли бўлиши мумкинки, ҳатто иккичи элемент ўз аҳамиятини йўқотади, яни ундаги товушлар редукцияга учраши *sunday* ['sAndi] ёки кучсизланиши мумкин. Бу ҳолатда эса иккичи компонент ўз моҳиятини саклаб колади: *birthday* ['bə:θdeɪ].

Кўшма сўзнинг ҳар иккала компоненти ҳам ургуни саклайдиган ҳолатлар учраши мумкин: ‘gas-’stove’, ‘half-’pay’, ‘loaf-’sugar’, ‘new-’comer’. Баъзан ургу сўзнинг ички маъносини ажратиш учун ҳам ишлатилади. Мисол тариқасида юқорида кўриб чиқилган *mankind* сўзини ва қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин [1]. ‘overwork – ортиқча ёки кўшимча иш ‘over ‘work – каттиқ чарчаши ‘bookcase – китоб жавони book ‘case – муқова жилди

Шунингдек, факат ургунинг ўзи яхлит белги вазифасини бажара олмаслиги ҳам мумкин. Фонетик ва орфографик яхлитлик кўшма сўз компонентларининг бирикувиии кучайтиради. Бундай яхлитликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, яни иккита ургунинг борлиги ёки сўзларни

алоҳида ёзиш иккита ўзакнинг бирнишини қўшма сўзлар қаторига киритиш имкониятини чегаралашига исбот бўлиб хизмат қиласди.

Замонавий тил шундай лексик бирликлар билан узлуксиз тўлдириб бориладики, уларни хатто китобхонлар (журналхонлар) ва шунингдек, тадқиқотчилар ҳам биринчи бор учратадилар. Учратганда ҳам факат босма ҳолда учратадиларки, бу фонетик белгини кўллашни мустасно қилиб кўяди. Афтидан, тил эгаларининг нуткидаги ургунинг ўзи тил эгалари томонидан у ёки бу шаклдаги лексик бирликларнинг улар томонидан қандай тушунилишининг акс этишидир. Бундай лексик бирликлар катъий мазмуний бирлик бўлиб, улар бир бирничирувчи ургуга эга. Уларни иккита мустақил бирликлар деб тушунилиши мумкин.

Бундай ҳолларда уларнинг ҳар биринга биттадан тенг ургу тушади. Бу хақда Г.Марчанднинг куйидаги фикрларига эътибор қаратайлик: «Кўпгина *man-made* типидаги сўзлар аксарият ҳолларда сўзнинг биринчи қисмида ургули талаффуз қилинади: *moth-eaten*, *spell-bound*, *frostbitten*, *homespun*, *heartfelt*, *heart-broken* каби. Эҳтимол, улар тилни тушуниш учун *home-made*, *home-bred*, *custom-built*, *government-owned*, *factory-packed* каби сўзлардан кўра қўшма сўзлар хосил бўлишидаги тасодифий характеристерни кўпроқ ифодалайди ва шу сабабли иккита ургу билан талаффуз этиладиган зичрок боғланган сўзларда эса ургу ҳар доим биринчи қисмга тушади» [3]. Шунингдек, хамма қолган белгиларга кўра тўла ўхаш бирликлар «*speech feeling*»га боғлиқ ҳолда ҳар хил ургу оладилар. Бу эса ўз ўрнида тил эгасининг иккита лексик бирликтин мъиносиини қандай қабул қилишига боғлиқ – тўла бирничирилган (*syncretized*) мъиноли бирлик ёки аксинча, мъино жиҳатидан иккита мустақил бирликтин бирин-кетин келишидир.

Табиийки, бу белги назарий ва амалий фонетика учун яхшигина восита сифатида ҳамда қўшма сўзнинг семантик ва бошқа хусусиятларининг кўмаги бўлиб хизмат қиласди. Кўпгина ҳолатларда фонетик хусусиятнинг ўзи етарли бўлмайди ва сўзларнинг бўлини маслигини кўрсатувчи таркибий, график ва бошқа хусусиятларга эҳтиёж сезади.

Юкорида кўриб ўтилган барча фикр мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда фонетик белгини сўз ясалиши таснифи жиҳатидан асосланган деб қабул қилиб бўлмайди. Шундай бўлсада, уни бошқа белгилар билан ёрдамчи белги сифатида унумли кўллаш мумкин. Қўшма отларни фарклашда ишлатиладиган грамматик белгилар турли тилларда турлича ифодаланади, лекин баъзи тилларда бундай белгилар умуман учрамайди. Сўз ва сўз бирикмаси орасида кўплаб оралик ҳодисалар бўлиши мумкин, шунинг учун улар ўртасидаги аниқ чегарани белгилашнинг имкони йўқ. Биз қўшма отлар қаторига киритадиган формалар, аниқ бир тилдаги сўзнинг сўз бирикмасидан фаркини, унинг ўзига хос хусусиятларини намоён қиласди.

Хулоса. Мъино жиҳатидан қўшма отлар сўз бирикмасига нисбатан кўпроқ бирон-бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Масалан: *blackbird* «кораялок» аниқ бир турдаги кушнинг номинианглатадиган қўшма от, *black bird* «кора куш» шу рангдаги ҳар қандай кушнинг номини билдирадиган сўз бирикмасидан фарқли ўларок чегараланган, тор мъинонини фодалайди. Қўшма отларни сўз бирикмасидан чегаралашига имкон берадиган фарклашдан белги сифатида фойдаланишга интилиш энг кенг тарқалган хатолардан ҳисобланади. Биз айнан шундай меъёр оркали қўшма от мъиноларини аниқ белгилай олмаймиз. Гап шундаки, кўплаб сўз бирикмалари мъиносига кўра хоҳлаган қўшма от мъиноси каби жуда мослашиб кетган: *a queerbird* «ғалати одам» (сўзма сўз: ғалати куш) ва *meat and drink* «энг асосийси» (сўзма сўз: таом ва ичимлик) сўз бирикмаларида *bird* ва *meat* сўзлари *jailbird* «ашаддий жиноятчи» (камокхона куши) ва *sweetmeats* «обакидандон» (сўзма сўз: ширин таом) қўшма отлари таркибидаги каби алоҳида маҳсус бир мъинога эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Арнольд И. В. *Лексикология современного английского языка: учеб. пособие. Изд-е 2-е, перераб. М.: Флинта; Наука, 2012. – С.173.*
2. Иванова И.П. О характеристика сложного слова в английском языке // Вопросы структуры английского языка в синхронии и диахронии. Вып.1. –Л., 1967.-С.4.
3. Marchand H. *The Categories and Types of Present Day English Word-Formation.* – Wiesbaden, 1960. –С.53.
4. Блумфильд Л. Язык.– М.: Просвещение, 1968. – С. .246.
5. Гуломов Ф.Ф. Ўзбек тилида сўз ясашнинг ўйлари ҳақида. – Т, 1949. –Б. 37

LINGUISTICS

6. Sharipova D. Sh., Qutliyeva M.G. *Importance of symbols in linguistics*//Academy– 2021. – № 3. – (66). – Pp. 23-23.
7. Sharipova Dilnoza Shavkatovna, Qutliyeva Muhayyo G'ulomovna. *Linguocultural Features of Symbol and Metaphor* //International Journal on Integrated Education. Volume 4 | No 10 (Oct 2021) Pp. 172-176.
8. Sharipova Dilnoza Shavkatovna, Qutliyeva Muhayyo Gulomovna, *Application of Innovative Teaching Methods in English Lessons/ Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT Volume 2, Issue 12, December 2022, Pages 127-130*